

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Маҳаллабай ишлаш ва  
тадбиркорликни ривожлантириш  
агентлигининг Тошкент шаҳар  
бошқармаси бошлиғи,  
харид комиссияси раиси**



**О.Яминов**

**19.01 2022**

**Асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини (тикув машина ва бошқалар)  
харид қилиш бўйича**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ**

Тошкент - 2022 й.

**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари (тикув машина ва бошқалар) танлов асосида танлашни эълон қилади.**

**Харид номи:** Асбоб ускуна ва меҳнат қуроллари (тикув машина ва бошқалар) (кейинги ўринда асбоб-ускуна деб юритилади)

**Танлашни ўтказиш шакли:** Электрон шаклда.

**Шартноманинг бошланғич баҳоси:** 1 736 000 000 (Бир миллиард етти юз ўттиз олти миллион) сўм

**Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:**  
**<https://etender.uzex.uz/>**

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:**

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқга эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қаздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
- товарнинг тасдиқланган техник параметрларининг мавжудлиги.

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган бошқарманинг телефон рақами 71-210-02-74.

**Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:** Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

**Буюртмачининг юридик манзили:** Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Каримов кўчаси 51.

**Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:**

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўяш) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;



- танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

#### **Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:**

- тижорат таклифи ташкилот бланки, муҳри ва раҳбар имзоси билан тасдиқланган ҳолда;

- танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;

- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

- товар ва маҳсулотларнинг тасдиқланган техник параметрлари (ташкилот бланки, муҳр ва раҳбар имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим).

#### **ТЕХНИК ТОПШИРИК**

##### **1. Харид қилинаётган Асбоб-ускуналар хусусиятлари ва кўлами.**

###### **1.1 . Тикув машинасининг техник параметрлари:**

Игна тизими DVx1 №. 70-110;

Автоматик сокол тизими;

Тикув соҳасида ЛЕД ёруғлик;

Энергия тежайдиган восита;

Ички сенсорли бошқарув панели;

Ички двигателли машиналарга нисбатан 70% энергия сарфи камаядиган;

Двигател ва асосий милнинг янги дизайни машинанинг ишлаш муддатини оширишга имкон берадиган ва унинг ишончилигини оширадиган;

Юмшоқ тикиш, шовқинсиз ишлаш, тебранишлар йўқлиги, силлиқ тезликни созлаш, босқичма-босқич тикиш имконияти ва бошқалар.

## **1.2. Тикув-оверлок машинасининг техник параметрлари:**

- Тикув-оверлок машинаси трикотаж, пахта ва жун маҳсулотларини тикишда матонинг четини қирқиш учун мўлжалланган 4 ипли;
- Игна тури: DX27 №. 75-100;
- Босим оёғининг максимал баландлиги: 5,5 мм;
- Максимал тикув тезлиги: 6 500 об/мин;
- Астарнинг кенглиги: 6,0 мм;
- Оёқнинг баландлиги: 6,5 мм;
- Тикув қоплама машинаси трикотаж, пахта ва жун маҳсулотларини тикишда матонинг четини қирқиш учун мўлжалланган.
- Машинанинг асосий афзалликлари:
- Жим ишлаш, тебраниш йўқ, босқичма-босқич тикиш тезлигини муаммосиз сошлаш қобилияти;
- Ёпик мой таъминоти тизимининг игна таёғи;
- Двигател ва асосий милнинг янги дизайн кўриниши, машинанинг ишлаш муддатини оширишга имкон берувчи омили ва унинг ишончлилигини ошириши;
- Машинада USB порт бўлиши керак;
- LED ёритиш бўлиши керак.

## **1.3. Дазмол:**

Пар дазмол.

2000 Вт/керамика/24 г/мин/85 г/мин/Автоматическое отключение/Длина шнура-1,9 м

## **2. Иштирокчиларга куйиладиган талаблар**

- Асбоб-ускуналарга кўйилган техник талабга мос келиши (зарур);
- Харид қилинаётган асбоб-ускуналарга камида 5 йиллик кафолат;
- Асбоб-ускуналарларни шартнома имзоланган кундан бошлаб кўпи билан 1 иш куни ичида етказиб бериши;
- Асбоб-ускуналарларига камида 3 йилгача бепул хизмат кўрсатиш бўйича кафолат;
- Етказиб берилган асбоб-ускуналар яроқсиз бўлган ҳолда янгисига алмаштириб бериш.



## ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ:

№	Қўйилаётган талаблар	Баҳолаш мезони
1	Буюртмачи томонидан тасдиқланган техник параметрларга иштирокчи томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник талабларга ҳамда наъмунада келтирилган шартнома талабларига мос келиши ўрганилиб, 4 баллгача баҳоланади.	
	Техник ва шартнома талабларга тўлиқ мос келган таклиф учун	4 балл
	Техник ва шартнома талабларга мос келмаган ёки қисман мос келмаган таклифлар учун	0 балл
2	Асбоб-ускуналар (ишлар ва хизматлар)га берилаётган кафолатлар мавжудлиги ва кафолатлари 3 баллгача баҳоланади.	
	1-3 йилгача бўлган муддатга	1 балл
	3-5 йилгача бўлган муддатга	2 балл
	5 йил ва ундан кўп бўлган муддатга	3 балл
3	Ҳарид қилинаётган маҳсулотни етказиб бериш муддатига 2 баллгача баҳоланади.	
	1-2 кун	2 балл
	3-5 кун	1 балл
	5 кундан ортиқ бўлган муддат	0 балл
4	Таъминотчи томонидан маҳсулотларга бепул сервис хизмат кўрсатиш	1 балл

### 3. Иш жойи ва вақти

Таъминотчи асбоб-ускуналарни буюртмачини талабига мувофиқ Тошкент шаҳри бўйича етказиб беради.

Асбоб-ускуналарларни етказиб бериш “Буюртмачи”нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00

гача (5/7).

#### **4. Бошқа шартлар**

Турли хавф хатарлар ва форс можор ҳолатларини олдини олиш мақсадида “Таминотчининг” доимий иш фаолиятида бўладиган телефони мавжудлигини таъминланиши шарт.

“Таминотчининг” телефонлари 24/7 давомида ишлашини таъминлаши шарт.

“Таминотчининг” телефон рақамлари рўйхатини “Буюртмачига” шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги узгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилишини таъминлаш.

Асбоб-ускуналарларни етказиб бериш Ўзбекистан Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

Асбоб ускуналар берилган кафолат даврида бузлиб қолган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ишлари “Таминотчи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

#### **Асбоб ускуналар сони ва турлари**

**Тўғричок тикув машинаси 209 комп;**

**Оверлок 95 комп;**

**Дазмол 204 дона.**

**Таклиф киритди:**

**Комиссия котиби**



**Х.Абдуллаев**

**Келишилди:**

**Харид комиссияси**



**Д.Нуритдинов**



**А.Турсунов**



**Д.Нурматов**



**А.Ибрагимов**